



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MOLIYA VAZIRINING БУЙРУҒИ

**Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги
низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январдаги ПФ-5624-сон “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармониға мувофиқ буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2018 йил 1 майдаги 180-сон буйруғи (рўйхат рақами 3013, 2018 йил 14 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 20-сон, 427-модда) билан тасдиқланган Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомиға иловаға мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучға қиради.

Вазир



Д. Кучкаров

Тошкент ш.,
2019 йил “11” март,
35-сон

Ўзбекистон Республикаси молия
вазирининг 2019 йил 11 мартдаги
35-сон буйруғига
ИЛОВА

**Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги
низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-банддаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги” деган сўзлар “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 14-бандда:

қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Комиссиянинг қарори асосида ижрочиларни Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритади;”;

еттинчи хатбоши саккизинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

3. 16-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Аноним мурожаатлар Комиссия томонидан кўриб чиқилмайди.”.

